

## EXPLORING A PERSON'S EMOTIONAL AND EMOTIONAL STATES THROUGH PROFILING

**Yakutkhon Urinbaevna Karimzhanova**

Lecturer, Department of Psychology, Fergana State University,

Anvarjonov Azimjon Anvarjon oglu

Fergana State University, 2nd year student of Psychology.

+998 90 303 00 83 [Yokutkhon\\_1986@mail.ru](mailto:Yokutkhon_1986@mail.ru)

**Abstract:** Today, one of the developing fields of science in the world is the field of psychology, which is gaining ground in our country. Just as there are several types and directions of all branches, there are also types of psychology. People are exposed to a variety of situations throughout their lives, which lead to the appearance of emotional and emotional states on the face of people. Direct knowledge of these processes is a concept in the field of psychology in the field of profiling

**Keywords:** Direct knowledge, science, psychology, profiling

## ШАХСНИНГ ЭМОЦИОНАЛ ВА ХИССИЙ ҲОЛАТЛАРИНИ ПРОФАЙЛИНГ ОРҚАЛИ ЁРИТИШ

**Ёкутхон Уринбаевна Каримжанова**

Фарғона Давлат Университети Психология кафедраси ўқитувчиси,

Анваржонов Азимжон Анваржон ўғли

Фарғона Давлат Университети Психология йўналиши 2-босқич талабаси.

+998 90 303 00 83 [Yokutkhon\\_1986@mail.ru](mailto:Yokutkhon_1986@mail.ru)

Бугунги кунда Бутун Дунёда ривожланаётган илм-фан соҳаларидан бири психология соҳаси бўлиб, бу юртимизда ҳам кундан-кунга ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Барча соҳаларни бир неча тури ва йўналиши бўлгани каби Психологиянинг ҳам турлари мавжуд. Инсонлар ҳаётлари давомида ҳар-хил ҳолатларга тушади, бу одамларнинг ташқи киёфасида ҳиссий ва эмоционал ҳолатларини юзда акс эттирилишига олиб келади. Бу жараёнларни бевосита билиш психология фанида профайлинг йўналишига оид тушунчалар ҳисобланади.

Профайлинг бу - шахснинг новербал ҳатти-ҳаракатларини ҳаққоний баҳолаш ва башорат қилиш методи ҳисобланади. Инсон юзидаги эмоционал кечинмаларнинг тез, онгли назорат қилинмайдиган ҳолати микроимизм дейилади. Микроимизмнинг давомийлиги 40-200 миллион сонияларни ташкил этади. Микромикада онгли назорат бўлмаслиги инсоннинг ҳаққоний эмоционал ҳиссий дунёсини олиб беради.

Франсуз невролиги ва психиатри Гий Дюшени де Булар илк бора эмоцияларнинг мимик реакция сифатида намоён бўлиши ҳақида тадқиқот ўтказган. Унинг экспериментида юз мушакларининг кўзгалиши ўрганилган. Турмушда инсон эмоционал ҳолатларини англаб олиш қийин кечади. Англаш учун суҳбатдошга синчиклаб қараш зарур бўлади. Профайлиндан фойдаланиш жараёнида суҳбатдошининг юзига синчиклаб қараб унинг рост ёки ёлғон гапираётганини, ички кечинмаларини ва ҳолатини англаб олиш мумкин.

Инсоннинг юзига ҳам сўзлардан кам бўлмаган эътибор қаратилади. Юз киёфаси овоз билан биргаликда тингловчи шахсга унинг ўз сўзлари келтириб чиқарадиган ҳиссийлари ҳақида ахборот бериши мумкин, шу боисдан ҳам баъзида инсонларнинг юзи ҳам алдаш мумкин. Аммо юз мимикаси назорат қилиш анча қийинроқ. Инсон юзи миянинг ҳиссийлари учун жавоб берувчи соҳалар билан бевосита боғлиқ, сўзлар эса ундай эмас. Нимани ифодалаётгани билиш анча қийин гарчи юз мушакларининг таранглашуви билан баъзи ҳиссийлар билан кечсада П.Екманнинг тадқиқотлари

аксарият одамлар ушбу ҳиссиётлардан келадиган ахборотдан деярли фойдаланмасликлари ва ўз юзининг ифодасини аниқлай олмасликларини кўрсатган. Юзнинг ҳиссиёт юзага келган пайтда пайдо бўладиган датлабки ифодаси атайин танланмайди. Юз ифодаси ҳиссиётлари автоматик тарзда юзага келади, одамнинг ўз юз мимикасини бошқариши анча мушкул бўлади.

Юз мушакларининг микро зўриқиши ёлғон хабар берилаётганида инсон юзидан гўёки соя югуради. Видеосуратга олиш бунда юз ифодасида секунднинг улуши мобайнида давом этадиган қисқа муддатли зўриқишни қайд етиш имконини беради. Бундан ташқари ёлғонни аниқлашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Масалан: инсон назоратда ушланадиган кўрқув жумладан фош бўлишдан кўркиш пайтида унинг қошлари бироз кўтарилган гўёки тўғри чизикқа тортилган бўлади. Агар кўрқув кучлироқ бўлса бу белгига қўшимча бошқа аломатлар кўринади. Пешонада ётиқ ажинлар пайдо бўлади, кўзлар кенгайиб, бунинг устига юқори қовоқ бироз кўтарилган пасткиси еса таранглашган бўлади, оғиз бироз очилган, бурчаклари еса орқага сурилган бунинг натижасида эса лаблар таранглашган ва тўғриланган бўлади. Ушбу таранглик ва лаблардаги тўғриланганлик қанчалик кучли бўлса кўрқув шунчалик кучли бўлади. Бироқ пешона тиришмаган ҳолда бир ёки ҳар икки қош сал-пал сезиларли даражада кўтариши ҳам мумкин. Пешонадаги тик чизиклар одатда кимдир ёки нимадир туфайли келиб чиққан. Умумий диққат энг юқори натижасига етганлигини кўрсатади. Яна бир эътиборга олиш керак бўлган муҳим жиҳатлардан бири, аёлларнинг қошларини татуаж қилинганлиги, юзларини сунъий шиширилганлиги, қовоқларини тортирилганлиги, лабларини ботокс қилдирилганлиги ва бошқа юздаги сунъий операция жараёнлари улар билан суҳбатлашиб ёлғонни аниқлашда нотўғри хулоса чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Яъни сунъий операция қилинган жойлар, масалан қошлар учмайди, тортирилган ажинлар кўринмайди, шунинг учун аёллар билан суҳбатлашиб ёлғонни фош қилишда сунъийликка эътибор қаратиш муҳим ва хулосани шунга кўра қилиш аҳамиятлидир.

Инсон ўзининг тил билан боғлиқ бўлмаган сигналларини қай даражада манипуляция қилиши (ўзгартириши) хис-туйғуларини қандай қилиб сездирмай яшириш мумкин? Бу саволларга тахминий қуйидагича жавоб бериш мумкин. Албатта ҳар ким ўз танасининг тилига анча кучли таъсир кўрсатишни ўрганиб олиши мумкин. Бироқ юз мушакларини ва кўзлар ифодасини деярли бошқариб бўлмайди. Кимдир ўз қўлларини назорат қилишни ўрганиб олиб ташқаридан қараганда мутлақо хотиржам кўриниши мумкин (масалан: у қўл бармоқларини қовуштириб бу билан улардаги асабий титроқни бостириш мумкин) шунга қарамайагар унда ички безовталиқ бўлса у барибир юзда кўринади. Хўш, нима учун юз мушакларини бошқариш бунчалик қийин? Чунки юз мушаклари мианинг ҳиссиётларини назорат қилувчи соҳалари билан бевосита боғлиқ.

Шунингдек биз юзимиз мушакларини ишонч билан бошқариш учун уларни ишонч билан бошқариш учун уларни етарли даражада билмаймиз. Айнан бошқалар ҳам биз сингари ўз ҳиссий ҳолатларини ҳам англаганликлари боис юз мушакларини билинадиган ахборотга ишонсак бўлади.

Шуни айтиш жоизки, профайлинг методи нафақат шахснинг эмотционал ва ҳиссий ҳолатини ўрганиш, балки жамиятдаги барча соҳалар иш фаолиятига узвий боғлиқ ва уларнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Профайлинг методи орқали ҳозирда жиной ишларни, суиқасдларни сабабларини ўрганишда энг яхши услублардан бўлиб хизмат қияпти. Шу сабабдан психологлар профайлинг соҳасини ўрганишяпти ва бу изланишлар ўз муваффақиятли самарасини кўрсатмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Е.Ғозиев. Умумий Психология. Тошкент – 2002 й.
2. Ф.Солиев. Профайлинг. ФарДУ психология кафедраси – 2015 й.
3. А.М. Кадникова. Профайлинг. Москва – 2016 й.
4. ОН Авчинникова. Методы профайлинга. Москва – 2015 й.